
Президентимизнинг янги йил совғалари ўз эгаларига топширилди
Янги йил-янги умидлар, янги орзулар байрамидир. Айниқса, жажжи болажонлар
ушбу байрамни интиқиб кутади.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон туманида ота-она қарамоғидан маҳрум
бўлган, ота-онаси вафот этган болалар ҳамда юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги
йўлида қурбон бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг
фарзандларига Президент совғалари топширилди.

Куни кеча Фарғона шаҳрида ўтказилган “Президент арчаси” тадбирида иштирок
этиб, бир олам завқ-шавқ туйиб қайтган болажонларни байрам билан яна бир бор
қутлаган туман ҳокимининг ўринбосари Муслимбек Аҳмедов ва “Инсон”
ижтимоий хизматлар маркази мутасаддилари ўғил-қизларга энг эзгу тилакларни
билдирди.

2024-12-25 22:56:26